Mamurjon ERKAEV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Master. e-mail: m.erkayev81@mail.ru

ОРИЯ КЕЛИШУВИГА ОИД ФИҚҲИЙ ҚОИДАЛАР

СВОД ИСЛАМСКИХ ЗАКОНОВ ПРИ ЗАКЛЮЧЕНИИ СОГЛАШЕНИЯ АРИЯ

ISLAMIC JURISPRUDENTIAL REGULATIONS ON THE ARIYAH AGREEMENT

Калит сўзлар: *ория, омонат, гаров, ижара, муқайяд, қозихона, классик, савоб, гуноҳ, иттифоқ, мазҳаб.*

Ключевые слова: *ария (временное безвозмездное использование чего-либо), сбережения, залог, аренда, регистрация, суд, классика, награда, грех, союз, мазхаб (религиозное учение).*

Key words: *aariyah (temporary gratuitous use of something), savings, pledge, rent, imprisoned, Islamic court, classical, reward, sin, union, and sect.*

Ислом ҳуқуқида ҳар бир фиқҳий атаманинг юридик ва тилшунослик нуқтаи назаридан асос бўладиган маънолари бўлиб, фиқҳнинг муайян соҳасини ўрганиш пайтида атаманинг икки хил жиҳатини билиш муҳим саналади. Демак, ория масаласини ўрганишдан олдин ҳам унинг луғавий ва истилоҳий маънолари билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Ория сўзининг луғавий маъноси: араб тилида العارية *(al-'aariyatu)* сўзининг охиридаги «йо» ҳарфи ташдидли, гоҳида ташдидсиз ҳам келиши мумкин. Кўплиги عواريّ (*'avaariyyu*) шаклида келади. «Бирор нарсани талаб қилмоқ» маъносини ифода қилади.

Шунингдек, ория сўзи ор-номус, иззат-нафс маъноларини ифода этади. У ория ақди (келишуви) учун ҳам ишлатилади. Мазкур сўз عَارَ (*'aaro*) феълидан ясалган бўлиб, «келди, кетди» маъноларини ифодалади.[11;446]

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида орият – бировдан вақтинча олинган нарса, қарзга олинган буюм, ор-номус, иззат-нафс маъноларини ифода қилади, деб келтирилган [16;137].

Ория сўзининг истилоҳий маъносига кўплаб фақиҳлар турли таърифларни бериб ўтганлар. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний (1123–1197) «Ҳидоя» асарида: «Ория фойдани эвазсиз мулк қилиб бериш», деган таърифни берган [8;246].

Бадриддин Айний (1361–1451) эса, «Биноя шарҳул ҳидоя» асарида «мулк қилиб бериш» дейилганда, ижара ва бошқа ҳар қандай мулкий муносабатларни ўз ичига олади, «эвазсиз» дейиши билан эса юқоридаги ижара ва бошқа мулкий муносабатлар чиқариб юборилади, деган [7;168].

Шунингдек, ориянинг истилоҳий маъноси фиқҳий китобларда бир-бирига яқин бўлган сўзлар билан ифодаланган. Жумладан, Ибн Мавдуд Мавсулий (1203-1284) «Ал-ихтиёр литаълилил мухтор» китобида, ория – бу фойдани ҳиба қилиш, деган [4;55].

Алоуддин Ҳасфакий (1616–1677) «Дуррул Мухтор» китобида эса, ория – бу фойдани текинга мулк қилиб бериш, дейилган [12;556].

Абдураҳмон Шайхзода (ваф. 1078/1667) «Мажмаъул анҳар» китобида ория – бу фойдани бадалсиз мулк қилиб бериш, деган [2;449].

Юқоридаги уламоларнинг фикрини умумлаштириб айтиш мумкинки, ҳанафий ва моликий фақиҳларнинг фикрларига кўра, ория келишуви гарчи мулкни ифода қилсада, орияга олувчи учун объектни тўлиқ тасарруф қилиш ҳуқуқини англатмайди. Балки орияга олувчи қисман тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, орияга олувчи белгиланган қоидалар асосида объектни бошқа инсонга орияга бериши, гаровга қўйиши, омонатга қўйиши, қарзга бериши жоиз. Аммо уни ижарага бериши, ҳадя, садақа қилиб юбориши мумкин эмас. Шунингдек, орияга олинган нарсага қасддан нуқсон етказиш ёки уни бутунлай йўқ қилиб юбориш унинг қиймати ёки аслини тўлиқ тўлаб беришга сабаб бўлади. Агар ория келишуви тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини ифода қилганида орияга олувчига объектга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бериш шарт қилинмаган бўлар эди.

Ислом ҳуқуқшунослиги манбаларида фақиҳлар тарафидан ория ижтимоий-ҳуқуқий масалаларига оид қоидалар ишлаб чиқилган ва ория муносабатлари тартибга солинган. Ория муносабатида энг асосий қоидалардан бири бу, *орияга берувчи хоҳлаган вақтида ория келишувини бекор қилиш ҳуқуқига эга*лигидир.

Агар бир киши ўзига тегишли ерни бино қуриш ёки кўчат экиш учун орияга берса, ория олувчи бино қурганидан ёки экин экиб бўлганидан сўнг орияга берувчи келишувни бекор қилиши ҳақида қарорини айтса ва орияга олувчидан қурилган бинони бузишни ёки экинни олиб ташлашни талаб қилса, келишувда олдиндан муддат белгиланган бўлса-да, орияга олувчи объектни қайтариб беради.

Мақолада ҳанафий мазҳабининг классик даври манбаларида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид ория масаласи, унинг луғавий ва истилоҳий маънолари ҳамда ория масаласининг ҳанафийларга, аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳабларига кўра тушунилиши ўрганилган. Ислом ҳуқуқига кўра ория, омонат, гаров, ижара битимлари ўртасидаги фарқлар ва уларга хос фиқҳий тушунчалар қиёсий таҳлил этилган. Шунингдек, орияга берувчи ва олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрганилган.

Мақолада ория масаласида фикр билдирган мовароуннаҳрлик ва ислом дунёсида таниқли фақиҳларнинг асарлари, жумладан, Бурҳониддин Маҳмуд Бухорийнинг «Муҳит Бурҳоний» асари, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари, Шамсул Аимма Сарахсийнинг «Мабсут» асари, шунингдек, хозирги замон олимларидан Ваҳбатуз Зуҳайлийнинг «Фиқҳул исломи ва адиллатуҳу» асарларидаги орияга доир масалалар қиёсий таҳлил қилинди ва илмий хулосалар берилди.

В статье исследуется проблема ария в социальных и правовых отношениях в источниках классического периода ханафитского мазхаба. Его лингвистические и терминологические значения, а также понимание вопроса арии в ханафитских и других суннитских мазхабах. В соответствии с исламским законодательством проводится сравнительный анализ различий между ария, депозитами, залогом, договором аренды и их юриспруденцией. Здесь также рассматриваются права и обязанности дарителя и получателя.

В статье были проанализированы произведения известных в Мавераннахре и исламском мире факихов, высказавших свое мнение по вопросу арии, в том числе «Мухит Бурхани» Бурхануддина Махмуда Бухари, «Хидая» Бурхануддина Маргинани, «Мабсут» Шамсула Аймы Сарахси, а также из современных ученых Вахбатуз Зухайли «Фикхуль Ислами и адиллатуху».

In this article, the issue of aariyah (temporary gratuitous use of something) on social-legal relations in the sources of the classical period of the Hanafi sect, its lexical and stylistic meanings, as well as the understanding of the issue of aariyah according to Hanafi and other denominations of the Ahli Sunnah Wal Jama`ah are studied. According to Islamic law, the differences between aariyah, savings, pledge, lease agreements and the specific legal concepts are analysed comparatively. Also, the rights and obligations of the giver and the recipient of the aariyah are studied.

In this article, the issues related to aariyah in the works of fuqaha who were from Transoxiana and well-known in the Islamic world, including the work by Burkhaniddin Mahmud Bukhari “Muhit Burhani”, “Hidaya” by Burkhanuddin Marginani, “Mabsut” by Shamsul Aimma Sarakhsi, as well as among the scholars of the present time “Fiqhul Islam and adillatuhu” by Wahbatuz Zuhayl were analysed comparatively and conclusions were made.

Орияга берувчи етказилган зарарни қоплаб беради [15;364].

Муҳаммад Қадрий Бошо (1821/1886) «Муршидул ҳайрон» китобида, 675-моддада: «Орияга берувчи объектни қайтаришни талаб қилиши ва хоҳлаган вақтида келишувни бекор қилиши мумкин. Бунда келишув вақтида белгиланган вақт етиб келмаган бўлиши ёки тўсатдан қайтариш оқибатида орияга олувчига зарар етишини аҳамияти йўқ. Аммо зарар маълум бир харажатни юзага келтирса, орияга олувчи объектни қайтариб бермайди. Балки объектнинг қиймати инобатга олиниб, маълум бир келишув асосида зарар бартараф этилади, деган [14;110].

Демак, ория объектини орияга олувчи ишлатаётган вақтида омонатдир. Ишлатилмаётган вақтида ҳам ҳанафий мазҳабида омонат ҳисобланади. Чунки у бировнинг мулки, унинг ҳаққидир.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида ория омонатдир. Агар орияга олинган мулк орияга олувчининг тажовузисиз ҳалок бўлса, тўламайди, дейилган [8;247]. Бадриддин Айний «Биная шарҳул ҳидая» асарида «агар орияга олувчи тажовузи сабабли талофат етказса, тўлайди», деган [7;175].

Демак, ория масаласида объектга омонат сифатида қараб, уни муҳофаза қилиш ва уни ишлатишдан кўзланган мақсад ҳосил бўлганидан сўнг эгаси қайтариб бериш шарт.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Нисо» сурасида қуйидагича марҳамат қилган:

«Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшиликни насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир». («Оли Имрон» сураси, 58-оят) [1;87].

Маждуддин Ферузабодий «Қомусул-муҳит» асарида, келтиришича أَمَانَة (*amaanatun*) – араб тилида أَمِنَ (*amina*) феълининг ўзаги ҳисобланиб, имон келтирмоқ, ишонмоқ маъноларини ифодалайди. Гоҳида у мажозий маънода муайян нарсаларга ҳам ишлатилади. Шунда у инсонларнинг қўлига маълум бир муддат сақлаб туриш учун бериб қўйилган омонат маъносини ифода қилади [11;10].

Абу Умомадан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Берилган нарса қайтарилувчидир ва ория адо этилувчидир»,** деганларини эшитдим», дедилар.

Демак, ислом ҳуқуқшунослигида омонатнинг турлари кўп. Жумладан, ория ҳам омонатнинг бир тури ҳисобланади. Омонатга бериладиган савоб ва

омонатга хиёнат қилгани учун бериладиган азоб маъносида бошқа омонатлар билан ҳукми баробар. Шу боис, ория омонатини эгаси талаб қилган вақтида ёки келишувда белгиланган муддат тугагач, шунингдек, кўзланган мақсад ҳосил бўлганда қайтариб бериш лозим (вожиб) бўлади.

Имом Шофеъий (767–820) ория мазмундир, деган. Ўзининг сўзига Сафвон розияллоҳу анҳунинг орияга оид ҳадисини далил қилди. Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Балки, тўлаб бериладиган ориядир», деганлар [3;1347].

Демак, Имом Шофеъий ория масаласида объектни қайтариб бериш борасида ҳанафийлар билан ҳамфикр бўлиб, Сафвон розияллоҳу анҳунинг ҳадисидаги Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг «балки, тўлаб бериладиган ориядир», деган сўзларини далил қилганлар.

Бурҳониддин Марғиноний эса «Ҳидоя» асарида ёзишича, агар ерни бино қуриш ёки кўчат экиш учун орияга олса, жоиз бўлади. Орияга берувчи битимни бекор қилиб, орияга олувчидан бинони бузиб олиб чиқиб кетишга ёки кўчатларни олиб ерни бўшатиб қўйишига мажбур қилиши мумкин. Чунки ернинг эгаси ерини бошқа инсонга ижарага бериб фойдаланиши ёки орияга бериши мумкин. Агар ерни бўшатмаса, орияга олувчи ҳеч қандай келишувсиз бировнинг еридан фойдаланувчи бўлиб қолади. Шу боис, ерни бўшатиб бериши лозим бўлади.

Агар ория келишувининг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, орияга олувчи етказилган зарарни тўлаб бермайди. Чунки у орияга берувчи томонидан алданган деб эътибор қилинади. Орияга олувчи, ерни менга узоқ вақт фойдаланиш учун берди, деб ўйлаган ҳолда ҳеч қандай муддатни эътиборга олмаган. Сабаби, келишув вақтида ваъдалашув ҳам бўлмаган.

Агар орияниng муддати белгиланган бўлса, орияга берувчи муддат келишидан олдин битимни бекор қилса, мазкур қилган иши жоиз бўлса-да, ваъдага хилоф иш тутгани учун макруҳ бўлади. Орияга берувчи етказилган зарарни тўлиқ қоплаб беради. Чунки ория битимининг амал қилиш муддати белгиланган, амал қилинмаган, орияга олувчи алданган деб эътиборга олинади. [8;248-249].

Одатда ер турли мақсадларда орияга олинади. Агар ерни экин экиб, ҳосил олиш учун олган бўлса, Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарида: «Ҳосилни йиғиштириб олмагунча ория битими бекор қилинмайди. Бу масалада орияга берувчи томонидан вақт белгиланиши ёки белгиланмаслигининг аҳамияти йўқ», деган [8;249]. Чунки ислом ҳуқуқшунослигида турли битим ва келишувларни амалга оширишдан олдин, ундан қандай мақсадда фойдаланиши айтиб ўтилади. Ерга экин экиб, ундан ҳосил олиши келишув вақтида айтилган. Шу боис, орияга берувчи ҳосилнинг етилишини кутиши лозим бўлади.

Орияга олинган нарсани ҳар доим ҳам қайтариб бериш лозим бўлмайди. Айрим ҳолларда орияга олинган нарсани қайтариб бермаслик лозим бўлиб қолади. Масалан: бир киши дўстига яқинларидан бирини дафн қилиш учун ерини орияга берди. Бу каби ҳолатда орияга берувчи объектни қайтаришни талаб қилиши жоиз эмас. Чунки ория икки кишининг келишуви асосида тузилади [10;61]. Маййитни дафн қилиш учун олаётганини билган орияга берувчи қайтаришини талаб қилиши ўринли эмас. Айрим фақиҳлар агар хоҳласа, дафн қилинган шахс тўлиқ тупроққа айланиб кетишини кутсин. Шундай бўлса, қайтариб олиши мумкин бўлади, деганлар.

Демак, орияга берувчи объектни кўзланган мақсад ҳосил бўлмасидан олдин орияга олувчидан қайтариб беришини талаб қилиши турли келишмовчилик, норозиликларни келтириб чиқаради. Сабаби, ҳали фойдаланиб бўлмаган ёки кўзланган мақсад ҳосил бўлмаган бўлиши мумкин.

Айрим ҳолатларда қўшимча келишувлар қилишга ҳам тўғри келиб қолади. Одатда келишув вақтида объектдан фойдаланиш тури айтиб ўтилади. Орияга берувчи ўша нарсани инобатга олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки орияга олувчи объектни муайян мақсадда фойланиш учун олган бўлади.

Агар орияга олувчи объектдан фойдаланишда мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилмаса ва объектга бирор талофат етказиши аниқ бўлган ҳолатларда орияга берувчи объектни қайтариб олиши лозим бўлади. Чукни объект унинг мулкидир.

Орияга олувчи объектни бошқага орияга ва омонатга бериши мумкин: аслида бировдан орияга олинган объектни бошқа бир инсонга орияга бериб юбориш мантиқан тўғри иш ҳисобланмайдигандек кўринади. Ислом ҳуқуқшунослигида ория масаласини фақиҳлар чуқур ўрганиб, орияга олинган ҳар қандай объект бошқасига (учинчи шахсга) орияга берилиши жоиз, деган хулосага келганлар. Жумладан:

Сирожиддин Ҳанафий (ваф. 1014/1606) «Фатавойи Сирожийя» асарида: «Агар бир киши ҳайвонни (от, туя, хачир ёки эшак) фойдаланиладиган иш тури белгиланмасдан орияга олиб, бошқа бировга юк ташиш ёки миниш учун орияга бериб юбориши жоиз», деган [15;363].

Бурҳониддин Маҳмуд Бухорий (ваф. 1221 й.) «Ал-Муҳитул-Бурҳаний» асарида: «Агар орияга берувчи орияга олувчига фойдаланишни чегарала-

ган бўлса, орияга олувчи инсонлар фойдаланиши мумкин бўлган ишларда объектни бошқаларга орияга бериши жоиз. Инсонлар умумий тарзда фойланиши мумкин бўлмаган ишларда орияга бериши жоиз эмас», деган [9;325].

Масалан, бир уй орияга олинди. Гарчи орияга берувчи келишув вақтида фақат ўзинг яшайсан, деб шарт қилиб айтган бўлса-да, қариндошлари ёки бирор таниши билан бирга яшаши жоиз. Чунки уй-жойдан фойдаланиш умумий тарзда фойдаланиш мумкин бўлган мулк турига киради.

Шунингдек, агар кийим ёки от-уловни орияга олса, орияга берувчи фақат ўзинг фойдалан, бошқага берма, деб айтди. Демак, орияга олувчи бошқа инсонга фойладаниш учун бериши мумкин эмас. Чунки кийимни кийиш ёки от-уловга миниш умумий тарзда фойланиш мумкин бўлмайдиган мулк турига киради.

Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарида: «Агар объектдан фойдаланиш иш тури бошқа бир иш туридан тубдан фарқ қилмаса, орияга олувчи уни бошқаларга орияга бериши жоиз», деган [8;247].

Бадриддин Айний мазкур масалага ўзининг фикрини билдириб, «Мухтарур асрор» китобида: «Гарчи орияга берувчи келишув вақтида бошқаларга орияга бермайсан, деб шарт қўйган бўлса-да, орияга олувчи объектни бошқаларга орияга бериши жоиз бўлади. Лекин фойдаланиш иш тури тубдан фарқ қилса, орияга бериши жоиз бўлмайди», деган [7;182].

Демак, аслида ория келишувида объектни бошқа бир инсонга орияга бериш объект эгасининг мулкига нисбатан тажовуз қилишдек кўринади. Лекин ория келишуви юқорида айтилганидек хайру саховат келишуви эканлигини эътиборга олиб, объектни бошқа инсонга орияга бериш мазкур амалнинг савоби яна ҳам кўпайишига сабаб бўладиган омиллардан бири ҳисобланади.

Кўпинча ория келишувида объектдан айнан орияга олган одамнинг ўзи фойдаланмайди. Масалан, уй-рўзғор анжомларини қўшнисидан орияга олса, ундан фақат бир ўзи фойдаланади деб тасаввур қилиш мантиқсизликдир. Чунки ундан уйдагиларнинг ҳаммаси фойдаланиши мумкин.

Орияга олинган объектни омонатга қўйиш масаласида фақиҳлар турли фикрларни билдирганлар. Жумладан, омонат ижоб ва қабул билан юзага келадиган битим бўлиб, омонатга олувчи объектни муҳофаза қилиши, талаб қилинган вақтда ёки белгиланган муддат тугагач қайтариб бериши лозим бўлади. Омонатда объектга етказилган зарар омонатга олувчи тарафидан қопланмаса-да, тажовузи сабаб етказилган зарар тўлиқ қопланади. Мана шу жиҳатдан омонат битими ория битимига ўхшаб кетади. Шу боис, бу икки келишувга оид фиқҳий масалалар айрим фиқҳ манбаларида «Ория ва омонат китоби» деб битта мавзу остида ҳам ўрганилган.

Баъзи фақиҳлар орияга олинган объект омонатга қўйилиши мумкин эмас, деганлар. Улар ўзларининг сўзларига қуйидаги мисолни ҳужжат қилиб келтирдилар: ислом ҳуқуқига оид манбаларнинг «Омонат» китобида: «Агар орияга олувчи объектни қайтариб бериш чоғида эгасига эмас, балки бегона бир кишининг қўлига топширса, объектга зарар етказилса ёки бутунлай йўқ бўлиб кетса, орияга олувчи тўлаб беради. Агар орияга олувчи омонатга бериш ҳуқуқига эга бўлганида, бегона кишининг қўлида турган вақтида омонат ҳисобланган ва уни тўлаб бермаган бўлар эди», дейилган.

Бошқа фақиҳлар эса, орияга олувчи объектни омонатга бериши жоиз, деганлар. Буни Ироқ фақиҳлари айтган. Абу Лайс Самарқандий (ваф. 363–1003 й.) мана шу фикрни маъқуллаган. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (749–805) «Асл» китобида «Ория» бобининг охирида шунга ишора қилган. «Омонат» китобида келган юқоридаги масала қуйидагича таъвил қилинган. Орияга олувчи объектдан фойдаланиб бўлди, демак, ория келишуви тугади. Объект орияга олувчининг қўлида омонат бўлиб қолади. Омонатни омонатга олган шахс бошқа инсонга омонатга бермаслиги иттифоқ қилинган масаладир [13;325].

Демак, орияга олувчи объектдан фойдаланаётган вақтида вақтинча бировга омонатга бериши мумкин. Аммо фойдаланиб бўлганидан сўнг, уни омонатга бериши мумкин эмас. Шу боис, юқоридаги масалада ория олувчи орияга олган объектдан фойдаланиб бўлгач, уни эгасига эмас, балки бошқа бир инсонга топширди. Натижада объектни фойдаланиб бўлганидан сўнг омонатга бериб юборди, деб эътибор қилинади.

Омонат битими ҳам ория келишуви каби мулкнинг лозимлигини ифода қилмайди. Шу боис, ория битими ўзидан қуйи бўлган битимни амалга оширишга рухсат беради. Бу ўринда орияга берувчининг изн бериши ёки бермаслигининг аҳамияти йўқ.

Муқайяд (белгиланган) ория битимида объектни омонатга бериш жоиз бўлмайди. Масалан: кўпчилик фойдаланиш мумкин бўлмаган мулк турида ва орияга берувчи объектни ҳеч кимга орияга бермаслигини белгилаб қўйган тақдирда объектни омонатга бериши жоиз бўлмайди.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний «Асл» китобида: «Агар орияга берувчи ўзига тегишли бўлган

мулкни бировга орияга бергач, бошқа бир инсоннинг қўлида кўриб қолса, ўша инсон объект унинг қўлида омонат эканлигини айтсада, орияга берувчи мулкни тортиб олишга ҳақли бўлади», деган [13;461].

Али Ҳайдар «Дурорул аҳком шарҳи мажаллатил Аҳкам» китобида, 824-моддада: «Орияга олувчи объектни бошқасининг хузурига омонатга қўйиши жоиз бўлади. Агар омонатга олувчининг қўлида объект ҳалок бўлса, тўламайди. Омонатга олувчи объектга нисбатан тажовуз қилиши ёки эътиборсизлиги натижасида бирор талофат етиши бундан мустасно. Масалан: бир киши бирор жойга бориб келиш учун уловни орияга олиб, манзилга етиб боргач, улов ҳолдан тойиб юролмай қолди. Орияга олувчи иложсиз уловни бировнинг қўлига омонат қилиб топширди ва улов ўз ажали билан ҳалок бўлса, тўламайди», деб айтиб ўтган [5;372].

Демак, бу ҳолатда орияга олувчи ҳам омонатга олувчи ҳам уловнинг қийматини ёки ўзини тўлаб бермайди. Чукни объектга ҳеч ким зарар етказгани йўқ. Балки, у ҳолдан тойиб ўз ажали билан ҳалок бўлди.

Юқорида айтилганидек, агар омонатга олувчининг тажовузи ёки эътиборсизлиги сабабли объектга талофат етса ёки қийматига нуқсон етса, омонатга олувчи етказилган зарарни тўлиқ қоплаб беради.

Орияга олувчи объектни ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқа бировнинг қўлига омонатга бериши жоиз бўлади. Бу ўринда орияга берувчининг талаби билан омонат битими бекор бўлади ва орияга олувчи объектни омонатга қўйилган шахснинг қўлидан олиб, орияга берувчига қайтариб беради.

Агар объект омонатга қўйилганидан сўнг, омонатга олувчининг тажовузи ёки эътиборсизлиги билан унинг қийматига нуқсон етса ёки бутунлай ҳалок бўлса, орияга берувчи етказилган зарарни ундиришда ихтиёрли бўлади. Яъни, етказилган зарарни орияга олувчидан ёки омонатга олувчидан ундириши ҳам мумкин.

Агар етказилган зарарни орияга олувчидан ундирса, орияга олувчи тўлаган миқдорни омонатга олувчидан ундириб олади. Агар етказилган зарарни тўғридан-тўғри омонатга олувчидан ундириб олса, у тўланган миқдори бўйича омонатга берувчидан (орияга олувчи) ундириб олмайди. Чунки объектга етказилган зарар унинг тажовузи ёки эътиборсизлиги сабабли юзага келди.

Орияга олинган объект ижарага берилмайди: «ижара» сўзи луғатда «эваз» ва «савоб» деган маъноларни англатади. Қилинган нарсага бериладиган мукофотнинг «ажр» деб аталиши ҳам шундан.

Шариат истилоҳида эса: ижара – маълум бир нафни зиммадаги ёки муайян шунча эвазга сотишдир [17;199].

Демак, ория масаласида объектдан фойдаланиш эвазсиз бўлади. Бу жиҳатдан олиб қараганда бир-бирига зид бўлган тушунча ва ижтимоий муомала масалаласидир.

Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарида: «Орияга олувчи объектни ижарага бермайди. Агар ижарага берса ва объектга зарар етса, тўлайди. Чунки ория ижара келишуви эмас. Шунингдек, ория ўзидан юқори келишувларни ўз ичига олмайди», деган [8; 247].

Ория келишуви фойдаланиш учун муайян нарсани мулк қилиб беришни ифода қилади. Аммо орияга хайру эҳсон келишуви сифатида қаралади. Шу сабаб, ория келишувида объектга тажовузсиз етказилган нуқсон тўлаб берилмайди. Ижара эса, мулкни ифода қилади. Шу боис, ижара битимларида объектга етказилган нуқсон ва талофат тўлиқ қопланади. Гарчи келишув вақтида айтилмаган бўлса ҳам.

Али Ҳайдар «Дурорул аҳком шарҳи мажаллатул аҳкам» китобида: «Агар ория битимида объектни ижарага бериш жоиз бўлса, ория битимида мулк лозимлигини ифода қилади. Натижада, орияга берувчи ижара вақти тугамагунча битимни бекор қилишга ҳақли бўлмайди ва табиийки қайтариб ололмайди. Бу ория битимининг тартиб-қоидаларига хилофдир», деган [5;370].

Демак, орияга олувчи ҳар қандай ҳолатда объектни ижарага бериши жоиз эмас. Аммо орияга берувчининг изни билан объектни ижарага бериши жоиз бўлади. Бу масалада уч томонлама қўшимча келишув амалга оширилади. Унда кўрилаётган фойда қайси тарафга йўналтирилиши ва етказилган зарар ким тарафидан қопланиши ва шу каби масалалар батафсил келишиб олинади.

Орияга олувчи объектни орияга берувчининг рухсатисиз ижарага бериб юборса, талофат етган тақдирда етказилган зарарни тўлиқ қоплайди. Ижара ҳақини орияга олувчи олади. Бурҳониддин Маҳмуд Бухорий «Муҳитул Бурҳаний» асарида Абу Ҳанифа (699–767) ва Муҳаммадларнинг фикрига кўра, ижара ҳақини садақа қилиб юборади, деб айтиб ўтган [9;325].

Бурҳониддин Марғиноний: «Агар орияга олувчи объектни ижарага бериб юборса, объектга талофат етган тақдирда, орияга берувчи ундан (орияга олувчидан) ижарага олувчига топширган вақтидан кейинги етказилган зарарни тўлиқ ундириб олади. Чунки модомики ория битими ижарани ўз ичига олмас экан, у ғасб бўлиб қолади. Шунингдек, ори-

яга берувчи етказилган зарарни тўғридан-тўғри ижарага олувчидан олиши ҳам мумкин. Чунки у объектни ҳақиқий эгасининг изнисиз олган», деди [8;247].

Демак, инсон бирор нарсани ижарага олишда объектнинг ҳақиқий эгаси ким эканлигига аниқлик киритиши лозим. Агар объект бировнинг мулки бўлса, ижарага олишдан олдин унинг ҳақиқий эгасидан рухсат сўраши шарт. Акс ҳолда етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплаб беришга мажбур бўлиб қолиши мумкин.

Объектни ижарага бериб юбориш орияга олувчига зарар келтириши мумкин. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний: «Орияга олувчи етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганидан сўнг, уни ижарага олувчидан ундириб олмайди. Чунки орияга олувчи ўзига тегишли бўлмаган мулкни ижарага бериб юборган. Агар орияга берувчи етказилган зарарни ижарага олувчидан ундириб олса, у орияга олувчидан ундирилган миқдорни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шарти шуки, ижарага олувчи объект унинг қўлида ория эканлигини билмаган бўлиши керак. Агар ижарага олувчи объект ижарага берувчининг қўлида ория эканлигини билса, етказилган зарар учун тўлаган миқдорни ижарага берувчидан (орияга олувчидан) ундириб ололмайди», деган [8;247].

Орияга олинган объект гаровга қўйилмайди: гаров араб тилида «раҳн» дейилади ва бир нарсани қандай бўлса ҳам бир сабабга кўра ушлаб қолишга айтилади. Шариат истилоҳида эса:

Гаров арзигулик молни ундан олиб қолиш мумкин бўлиши учун зиммадаги тўловга ўхшаш ҳақ юзасидан тутиб қолишдир [17;246].

Гаров битимида ишонч ҳосил қилиш учун қийматга эга бўлган мол қолдирилади. Эвазига келишув асосида бошқа бир нарса олиб кетилади. Муддат белгиланади ёки муайян мақсад кўзланган бўлади. Муддат тугагач ёки кўзланган мақсад ҳосил бўлгач, гаров битими тугатилади. Демак, ория битими юқорида айтилганидан орияга берувчи тарафидан хоҳлаган вақтда бекор қилиниши мумкинлигини инобатга олсак, объектни гаровга қўйиш турли келишмовчиликни юзага келтиради. Чунки гаровга қўйилган объектни қайтариб олиш учун эвазига олинган нарса қайтарилиши лозим.

Муҳаммад Қадрий Бошо «Муршидул Ҳайрон ила маърифати аҳволил инсон» асарида, 674-моддада: орияга олувчи орияга олинган объектни ижарага бериши ёки гаровга қўйиши жоиз эмас. Аммо орияга берувчининг изни билан объектни айнан гаровга қўйиш учун орияга берган бўлса, гаровга қўйиши мумкин. Агар объект гаровга қўйилганидан сўнг талофат етса, орияга берувчи орияга олувчидан етказилган зарарни ундириб олади ва гаров амалиёти ниҳосига етган, деб ҳисоблаган [14;110].

Демак, ория келишувида объектни гаровга қўйиш учун ория олиш мумкин. Бу ҳолатда орияга олувчи объектни айнан гаровга қўйиш учун олаётганини маълум қилиши шарт ёки объектни гаровга беришдан олдин рухсат сўраши шарт. Ҳар икки ҳолатда орияга берувчи объектни қайтарилишини талаб қилиши билан гаров шартномаси тўхталади. Чунки объект унинг мулки. Ислом ҳуқуқшунослигида мулкдор ўзининг мулкида ўзи хоҳлаганидек тасарруф қилиш ҳуқуқига эга.

Ория объектига зарар етказилган тақдирда, гаров битими объектни ҳақиқий эгаси (орияга берувчи) рухсатисиз амалга оширилган бўлса, орияга олувчи етказилган зарарни ўз ҳисобидан тўлиқ қоплайди.

Агар унинг рухсати билан гаровга қўйилган бўлса, етказилган зарар ўрганилади. Қасддан етказилмаган бўлса, зарар бирор бир шахс тарафидан қопланмайди. Бунда ория масаласига оид умумий қоида «*ория келишувида объектга тажовузсиз етказилган нуқсон тўлаб берилмайди*»га амал қилинади.

Агар гаровда ушлаб турувчи объектга нисбатан эътиборсиз муносабатда бўлгани ёки қасддан зарар етказгани аниқланса, ория берувчи ихтиёрли бўлади. Етказилган зарарни хоҳласа орияга олувчидан, хоҳласа гаровда ушлаб турган шахснинг ўзидан ундириб олади. Бу ҳолатда етказилган зарар орияга олувчидан ундирилса, зарарни қоплаш учун тўланган миқдорни орияга олувчи объектни гаровда ушлаб турган шахсдан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Чунки объектни гаровда ушлаб турган шахс объектнинг ория эканлигини, бировнинг мулки эканлигини ва эътиборсизлиги туфайли зарар етказилса қоплаб бериш лозимлигини ҳам билган деб эътибор қилинади.

Хулоса қилиб айтилганда, ория масаласи гарчи инсонлар ўртасида кенг тарқалган урф-одат, қадриятлардан бири ҳисоблансада, бугунгача фақатгина йирик ҳажмдаги мулк объектлардан ва нақд пулдан бошқа нарсаларни орияга бериш бўйича ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилмаган. Аммо ислом ҳуқуқшунослигига оид манбаларни ўрганиш давомида мужтаҳид фақиҳлар томонидан кўплаб ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар қатори ория масалалари, унга оид қоидалар ва ҳуқуқий нормаларнинг мукаммал ишлаб чиқилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ислом ҳуқуқшунослигининг классик даврида қозихоналарда муҳрланган битимлар кейинчалик оғзаки келишув асосида тузиладиган бўлган.

Кўпинча, одамлар орасида ўзаро оғзаки келишув асосида тузилган битимлар турли тортишувларга, келишмовчиликларга сабаб бўлган. Шу боис, қўшничилик, қариндош-уруғчилик муносабатларини мустаҳкамлашда ория масаласини жамоатчиликка тушунтириш ва унинг ҳуқуқий нормаларини илмий таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Орияга олинган объектни бошқа бир шахсга орияга бериш жоиз, унинг учун орияга берувчининг рухсати шарт қилинмайди. Агар тарафлар келишув вақтида орияга берувчи «бошқасига орияга берма» деб айтган бўлса-да, орияга бериш жоиз бўлади. Ория келишуви яна бир ория келишувини юзага келтириши жоиз. Масалан, бу ҳолатни ижара битимида ҳам кузатиш мумкин. Ижарага берилган объектни ҳақиқий эгасининг рухсатисиз ижарага бериш жоиз.

Ория келишувида энг муҳим қоидалардан бири бу орияга берувчи хоҳлаган вақтида келишувни бекор қилиш ҳуқуқига эгалигидир. Чунки объект унинг мулки, эвазсиз (ижара ҳақисиз) вақтинча фойдаланиб туриш учун берган. Ислом ҳуқуқида мулкдор ўз мулкини ўзи хоҳлаганидек тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, орияга берувчи объект бошқасининг қўлида ория бўлиб турган ҳолида учинчи шахсга орияга бериши, ижарага бериши, ҳадя, садақа қилиши ёки сотиб юбориши мумкин. Агар шундай қилса, ория келишуви бекор бўлган ҳисобланади ва орияга олувчи объектни орияга берувчининг талаби ёки унинг вакилининг талаби билан бериб юбориши лозим.

Орияга олинган объектни ижарага бериш жоиз бўлмайди. Чунки ория келишуви ўзидан юқори турувчи шартномани ўз ичига олмайди. Ория мулкни ифода қилмайди. Ижара эса, маълум маънода мулкни ифода қилади. Шу боис, ижара битими орияга келишувига қараганда юқори битим ҳисобланади.

Орияга олинган объектни омонатга ёки гаровга қўйиш масаласида фақиҳлар турли келишмовчиликнинг олдини олиш мақсадида объектнинг ҳақиқий эгаси рухсати билан бўлсагина тарафларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилинишини таъкидлаганлар. Чунки юзага келган ҳуқуқий муаммо тарафлардан бирига молиявий зарар келтириши эҳтимолдан холи эмас.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdulaziz Mansur. Qur’oni karim ma’nolarining tarjima va tafsiri. – T.: Toshkent islom universiteti. 2016.
2. Abdurahmon ibn Muhammad ibn Sulaymon Kalibuliy. Majma’ul anhar fi sharhi maltaqil abhar. – Bayrut. «Dorul kutubul ilmiyya». 1998. 4 mujallad/3.
3. Abu Lays Samarqandiy. Muxtalafur-rivoya. – Bayrut. «Maktabatur-rushd». 2005. 4 mujallad/3.
4. Abdulloh ibn Mahmud ibn Mavdud Mavsuliy Hanafiy. Ixtiyar li ta’lilil muxtar. – Bayrut. «Dorul kutubul ilmiyya». 5 mujallad/3.
5. Ali Haydar. Durorul hukkam sharhu majallatil ahkam. – Bayrut. «Dorul-jil». 2003. 4 mujallad/2.
6. Ahmad ibn Muhammad ibn Ali Qayyumiy. Misbahul munir. – Lubnan. «Maktabarul-lubnan». 1978.
7. Badruddin Ayniy. Bunaya fi sharhi hidoya. – Bayrut. «Dorul-fikr». 1990. 12 mujallad/9.
8. Burhoniddin Marg`inoniy. Hidoya sharhi bidoyatul mubtadiy. – Bayrut. «Dorul kutubul ilmiyya». 1990. 4 mujallad/3.
9. Burhoniddin Mahmud Buxoriy. Muhitul burhaniy. – Riyoz. «Maktabatur-rushd». 2004. 25 mujallad/8.
10. Vahbatu Zuhayliy. Fiqhul islam va adillatuhu. – Damashq. «Dorul-fikr». 1985. 8 mujallad/5.
11. Majduddin Muhammad ibn Yoqub Feruzabodiy. Qomusul-muhit. – Damashq. «Muassasatur-risola», 1998.
12. Muhammad ibn Ali ibn Muhammad ibn Ali ibn Abdurahmon Hanafiy Hasfakiy. Durrul muxtor fi sharhi tanvirul absor. – Bayrut. «Dorul kutubul ilmiyya». 2002.
13. Muhammad ibn Hasan Shayboniy. Asl. – Qatar. «Dor Ibn Hazm». 2012. 13 mujallad/8.
14. Muhammad Qadriy Bosho. Murshidul Hayron ila ma’rifatil inson. – Misr. «Amiriyya» 1891.
15. Sirojiddin Hanafiy. Fatavoi Sirojiyya. – Bayrut. «Dorul ʻulim zakariyya». 2011.
16. Tahrir hay’ati: T.Mirzayev (rahbar) va boshq.; O`zR FA Til va adabiyot in-ti. – T.: «O`zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 3-kitob.
17. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Kifoya, 3-juz. – T.: «Hilol-Nashr», 2018.